




БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШГА ҚАРАТИЛГАН УЛУҒВОР ҒОЯ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИГА АЙЛАНГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 17-18 октябрь кунлари “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Пекин шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 18 октябрь куни “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумининг очилиш маросимида ҳамда “Инсон ва табиат уйғунлиги йўлида “Яшил ипак йўли”ни биргаликда барпо этиш” мавзусидаги ялпи йиғилишида иштирок этди.

Хитой вице-президенти Хань Чжэн модераторлигида ўтган саммит ишида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш, давлат ва ҳукуматлар етакчилари, молиявий институтлар раҳбарлари ҳам қатнашди.

Президентимиз ўз нутқида барча иштирокчиларни “Макон ва йўл” та-

шаббусининг ўн йиллиги билан самимий қутлади.

Буюк ипак йўлини қайта тиклашга қаратилган ушбу улуғвор ғоя тарихан қисқа даврда қўллаб-таъқиб қилинган эга бўлгани ва халқаро ҳамкорликнинг янги моделига айланиши таъкидланди.

Хитойнинг ҳар томонлама стратегик шериги сифатида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб “Макон ва йўл” ташаббусини қўллаб-қувватлаган ва мазкур ташаббуснинг асосий мақсад ва вазифаларини янада илгари суришнинг қатъий тарафдоридир.

Давлатимиз раҳбари “Яшил ипак йўли” ташаббуси моҳият эътибори билан умумий “яшил” келажак кун тартибини шакллантиришини таъкидлади.

ХХР Раиси Си Цзиньпин томонидан илк бор 2016 йилда айнан бизнинг мамлакатимизда илгари сурилган ушбу ташаббусни Ўзбекистон ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Минтақамиздаги аномал об-ҳаво шароитлари, тез-тез юз бераётган қургўқчилик ва чанг бўронлари, ерларнинг шиддат билан деградацияга учраши ва чўлланиши, биохилма-

хилликнинг йўқолиши кўринишида намоён бўлаётган мураккаб экологик вазиятга тўхталиб, давлатимиз раҳбари Марказий Осиё жаҳондаги иқлим ўзгариши оқибатларидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан бири эканини қайд этди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган махсус резолюция доирасида Оролбўйида экологик инновациялар ва технологиялар худудларини яратиш бўйича кенг қўламли дастурни амалга ошираётгани таъкидланди.

Шу маънода, жорий йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош қотиби ташаббусига қўра ўтказилган Иқлим ўзгариши билан боғлиқ улкан вазифалар саммити якунларига юқори баҳо берилди.

Марказий Осиёда “яшил” тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш йўлида фикр алмашиш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун Ўзбекистон раҳбари 2024 йилда Самарқанд халқаро иқлим форумини ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

— Умид қиламизки, ушбу форум барқарор ривожланиш йўлидаги глобал хавф-хатарларга жавоб топиш учун

“Келажак учун — Самарқанд мулоқоти”ни ташкил этишда амалий қадам бўлиб хизмат қилади, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз “Яшил ипак йўли” доирасида кенг қўламли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани қайд этилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон етакчиси Хитой ҳамда “Макон ва йўл” ташаббусининг бошқа иштирокчилари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича фикрлари билан ўртоқлашди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ” УЧИНЧИ ХАЛҚАРО ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Гутерриш жаноблари!
Ҳурматли Хань Чжэн жаноблари!
Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жанобларига “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумида иштирок этишга таклиф қилгани ҳамда илқ қабул учун самимий миннатдорлик билдираман.

“Макон ва йўл” ташаббусининг ўн йиллиги муносабати билан хитойлик дўстларимиз ҳамда тадбирнинг барча иштирокчилари номига билдирилган табрик сўзларига қўшиламан.

Буюк ипак йўлини қайта тиклашга қаратилган улуғвор ғоя тарихан қисқа даврда қўллаб-таъқиб қилинган эга бўлди ва халқаро ҳамкорликнинг янги моделига айланди. У умумий тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлидаги зарурий, инклюзив ва очик платформага айланди.

Жаҳондаги етакчи давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч инқирози туфайли вужудга келган ҳозирги геосиёсий беқарорлик шароитида ушбу дастурнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Хитойнинг ҳар томонлама стратегик шериги сифатида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб “Макон ва йўл” ташаббусини қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлашни истардим. Биз мазкур ташаббуснинг асосий мақсад ва вазифаларини янада илгари суришнинг қатъий тарафдоримиз.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Хитойнинг “Яшил ипак йўли” ташаббуси моҳият эътибори билан умумий “яшил” келажак кун тартибини шакллантиради, деб ҳисоблаймиз. Ушбу ғоя Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари томонидан илк бор 2016 йилда айнан бизнинг мамлакатимизда эълон қилинган чуккур рамзий маънога эга.

Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё жаҳондаги иқлим ўзгариши оқибатларидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан бири эканини таъкидламоқчиман.

Ҳозирги вақтда бизнинг минтақамиз мамлакатлари глобал иссиқ, экологик мувозанат бузилишининг аномал об-ҳаво шароитлари, тез-тез юз бераётган қургўқчилик ва чанг бўронлари, ерларнинг шиддат билан деградацияга учраши ва чўлланиши, биохилма-хилликнинг йўқолиши кўринишида намоён бўлаётган жиддий таҳдидларини ўзида тўлиқ ҳис этмоқда.

Биргина мисол — кўп йиллик кузатишлар бугунги кунда Марказий Осиёда ўртача ҳаво ҳароратининг ошиб бориши дунёдаги умумий кўрсаткичлардан икки марта юқори эканини кўрсатмоқда.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида қабул қилинган махсус резолюция доирасида Оролбўйида экологик инновациялар ва технологиялар худудларини яратиш бўйича кенг қўламли дастурни амалга ошироқдамиз.

Ўзбекистон жорий йилнинг сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби ташаббусига қўра бўлиб ўтган Иқлим ўзгариши билан боғлиқ улкан вазифалар саммитини ҳам юқори баҳолайди ҳамда мазкур анжуман якунларининг тезроқ амалга оширилишига умид билдиради.

Биз 2024 йил Марказий Осиёда “яшил” тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш йўлида фикр алмашиш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун Самарқанд халқаро иқлим форумини ўтказиш ниятидамыз.

Умид қиламизки, ушбу форум барқарор ривожланиш йўлидаги глобал хавф-хатарларга жавоб топиш учун “Келажак учун — Самарқанд мулоқоти”ни ташкил этишда амалий қадам бўлиб хизмат қилади.

Ҳурматли саммит иштирокчилари! Ўзбекистон “Яшил ипак йўли” доирасида кенг қўламли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Шу муносабат билан Хитой ҳамда “Макон ва йўл” саммитининг бошқа иштирокчилари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича фикрларимиз билан ўртоқлашмоқчиман.

Биринчидан, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни янада яқиндан мувофиқлаштириш мақсадида “Марказий Осиёнинг “яшил” кун тартиби” ва “Яшил ипак йўли” концептуал ташаббусларининг ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилиши тарафдоримиз.

Куйидаги муҳим вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида кенг қўламли “Яшил тараққиёт дастури”ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз: иқтисодий тармоқларини “яшил” тараққиёт талаблари асосида трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ва энергетика тармоқларида барқарор инфратузилмани яратиш, “яшил” саноат қувватларини ишга тушириш, камбағалликни қисқартириш ва “ақлли” қишлоқ хўжалигини ривожлантириш.

Иккинчидан, “яшил” ишлаб чиқариш закирлари ва инновацияларни ривожлантириш соҳасида амалий ҳамкорликни кенгайтиришни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Хитойнинг етакчи компаниялари билан биргаликда ва бошқа хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, “яшил технологиялар”ни кенг жорий қилиш асосида саноат соҳасида ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни амалга ошириш учун Оролбўйи минтақасида Махсус намунали технологик паркни ташкил этишга тайёرمىз.

Учинчидан, Хитойнинг “Макон ва йўл” дастурининг “яшил” инвестициялар тамойиллари” борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз ва уни амалга оширишда иштирок этиш ниятидамыз.

Ўзбекистонда “Яшил молиялаштириш” жамғармасини таъсис этиш таклиф қиламиз. Ушбу жамғарма кам углеводородли иқтисодиёт ва “тоза” технологияларни ривожлантириш,

шунингдек, минтақа мамлакатларида юқори экологик стандартларни жорий этиш учун молиявий ресурсларни сафарбар қилишнинг таъсирчан воситасига айланади.

Тўртинчидан, биз “Макон ва йўл” дастурида иштирок этаётган мамлакатларни “яшил” маҳсулотлар, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўзаро савдосидаги чеклов ва тўсиқларни камайтиришга чақирамиз.

Бешинчидан, “яшил” энергияга ўтиш бўйича мулоқотни фаоллаштириш ва “Макон ва йўл” ташаббусига қўшилган мамлакатлар вазирларининг мунтазам учрашувларини ўтказишни муҳим, деб биламиз.

Аминимизки, бу қайта тикланадиган энергия соҳасида халқаро кун тартибини кенгайтириш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Олтинчидан, Оролбўйи халқаро инновациялар маркази негизида “яшил” билим ва ечимларни трансфер қилиш бўйича илмий-ахборот платформасини ишга туширишни таклиф этамиз.

Еттинчидан, биз Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизида “Яшил” тараққиёт ва экология соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва академик алмашувни ривожлантириш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Бу борада Хитой ҳамда “Макон ва йўл” ташаббусининг бошқа иштирокчи мамлакатлари етакчи олийгоҳлари ва

таълим марказлари бизнинг шерикларимиз сифатида иштирок этишлари мумкин.

Ва нихоят, биз жамиятда табиий ресурслар ва атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш бўйича анъанавий қадриятларни қарор топтирмасдан туриб, “яшил” тараққиётга ўтиш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида “яшил” маданиятни ривожлантириш бўйича Глобал дастурни ишга тушириш ва унда этно-экологик фестиваллар, форумлар, мамлакатларимиздаги таниқли жамоат арбоблари, фан, бизнес ва маданият намоёндалари иштирокида тақдиротлар ва тадбирларни ўтказишни назарда тутишни таклиф этамиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Донишманд хитой халқининг мақолида айтилганидек, “Келгуси асрнинг бахти ушбу асрда қурилади”.

Бугун биз саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирган ва қучайтирган ҳолда, инсониятнинг “яшил” келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратмоқдамиз.

Ишончим комилки, бугунги учрашувимиз якунлари, билдирилган ғоя ва таклифлар бизнинг ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлидаги умумий аниқ ҳиссамиз бўлади.

Барчангизга муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШГА ҚАРАТИЛГАН УЛУҒВОР ҒОЯ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИГА АЙЛАНГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

“Марказий Осиёнинг “яшил” кун тартиби” ва “Яшил ипак йўли” концептуал ташаббусларини ўзаро боғлаш доирасида иқтисодиёт тармоқларини “яшил” тараққиёт талаблари асосида трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ва энергетика тармоқларида барқарор инфратузилмани яратиш, “яшил” sanoat қувватларини ишга тушириш, камбағалликни қисқартириш ва “ақлли” қишлоқ хўжалигини ривожлантириш чоралари ва лойиҳаларини ўз ичига олган “Яшил” тараққиёт дастурини ишлаб чиқиш таклифи этилди.

“Яшил ипак йўли”ни барпо этиш йўлидаги яна бир муҳим вазифа — “яшил” ишлаб чиқариш занжирлари ва инновацияларни ривожлантириш.

Хитойнинг етакчи компаниялари билан биргаликда ва бошқа хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, “яшил технологиялар”ни кенг жорий қилиш асосида sanoat соҳасида ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни амалга ошириш учун Оролбўйи минтақасида Махсус намунали технологик парки ташкил этишга тайёрлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари кам углеродли иқтисодиёт ва “тоза” технологияларни ривожлантириш, шунингдек, минтақа мамлакатларида юқори экологик стандартларни жорий этиш мақсадида

Ўзбекистонда “Яшил молиялаштириш” жамғармасини таъсис этишни таклиф қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон етакчиси “яшил” маҳсулотлар, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўзаро савдосидаги чеклов ва тўсиқларни камайтиришга чақирди.

“Яшил” энергетикага ўтиш бўйича мулоқотни фаоллаштириш ва “Макон ва йўл” ташаббусига қўшилган мамлакатлар вазирларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон Президенти Оролбўйи халқаро инновациялар маркази негизда “яшил” билим ва ечимларни трансфер қилиш бўйича илмий-ахборот платформасини ишга тушириш ташаббусини илгари сурди.

“Яшил” тараққиёт ва экология соҳаси учун малакали кадрлар танқислиги ортиб бораётганини ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизда етакчи хорижий олийгоҳлар ҳамда таълим марказлари билан ҳамкорликда “Яшил” тараққиёт ва экология соҳасида мутахассислар тайёрлаш, академик алмашувни ривожлантириш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқишни таклиф этди.

Бундан ташқари, Президентимиз табиий ресурслар ва атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш масаласига тўхталди.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида таниқли жамоат ар-боблари, фан, бизнес ва маданият намоёндалари иштирокида этно-экологик фестиваллар, форумлар, тақдиротлар ва бошқа тадбирлар ўтказишни назарда тутувчи “яшил” маданиятни ривожлантириш бўйича Глобал дастурни ишга туширишни таклиф қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг якунида форум якунлари, унда билдирилган ғоя ва таклифлар инсониятнинг “яшил” келажагини барпо этиш йўлида муҳим ҳисса бўлишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитойга ташрифининг иккинчи кунини Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Бутунхитой кўмитаси Раиси Ван Хунин, “China CAMC Engineering” компанияси раиси Ван Бо, “China Energy Engineering Corporation” раиси Сун Хайлян, “State Grid” компанияси раиси Синь Баоан билан учрашув ўтказди.

Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Бутунхитой кўмитаси Раиси Ван Хунин давлатимиз раҳбари “Макон ва йўл” учинчи халқаро форумида илгари сурган муҳим ташаббусларни юксак баҳолади ва бунинг учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон — Хитой дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Конструктив сиёсий мулоқотнинг бугунги даражаси ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро қўмак алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Самарқанд ва Сиань шаҳарларида ўтган саммитлар давомида эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

“

“Яшил” тараққиёт ва экология соҳаси учун малакали кадрлар танқислиги ортиб бораётганини ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизда етакчи хорижий олийгоҳлар ҳамда таълим марказлари билан ҳамкорликда “Яшил” тараққиёт ва экология соҳасида мутахассислар тайёрлаш, академик алмашувни ривожлантириш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқишни таклиф этди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бормоқда. Худудлар ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Охири ойларда Ўзбекистонга Шинжон-Уйғур автоном ҳудуди, Шаньдун, Шэньси, Цзянсу ва Цзянси музофотлари делегациялари ташриф буюрди.

Маданий-гуманитар алоқалар ва таълимдаги алмашинуви фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“CAMCE” Хитойнинг инжиниринг хизматларини кўрсатувчи ҳамда sanoat ва инфратузилма соҳаларида йirik инвестиция лойиҳаларини амалга оширувчи етакчи корпорациясидир.

Компания юртимизда катта иш таърибасига эга. Бугунги кунда “CAMCE” 2025 йилда Ўзбекистонда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларига тайёргарлик доирасида олимпия шаҳарчаси қурилишида иштирок этмоқда.

“China CAMC Engineering” компанияси раиси Ван Бо билан учрашувда қўшма лойиҳаларни кўпайтиришнинг амалий жиҳатлари, жумладан, мамлакатимиз ҳудудларида гидротехник иншоотлар ва Янги Тошкентда замонавий инфратузилмани барпо этиш, илғор агротехнологияларни жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари қўшма лойиҳалар ва эришилган келишувларни

амалга оширишни жадаллаштириш бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилишга топшириқ берди.

Замонавий энергетика, инфратузилма ва sanoat объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш борасида катта тажрибага эга Хитойнинг “China Energy” етакчи корпорацияси дунёнинг кўплаб мамлакатларида йirik инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқда. Компания активларининг қиймати 150 миллиард доллардан ортқ.

“China Energy Engineering Corporation” раиси Сун Хайлян билан учрашувда компания Ўзбекистон энергетикасини технологик модернизация қилишда фаол иштирок этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

“China Energy” Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида қуёш ва шамол электр станциялари, Сирдарё вилоятида иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Компания Навоий вилоятида гибрид электр станциясини барпо қилишда иштирок этиш ниятида.

Бундан ташқари, жорий йил сентябрь ойида Самарқанд вилоятида цемент ишлаб чиқариш бўйича замонавий қувватлар биргаликда ишга туширилди.

“China Energy” билан шериклик истиқболлари, шу жумладан, инфратузилма объектларини модернизация қилиш, энергияни сақлаш тизимларини ташкил

этиш, энергетика тармоғини 2030 йилгача ривожлантириш дастури доирасида малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Сув хўжалигида кооперация қилиш, sanoatнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича комплекс дастурни тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Хитойнинг “State Grid” электр тармоқлари корпорацияси ушбу соҳадаги глобал етакчи бўлиб, Fortune Global 500 рейтингига юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Компания электр узатиш тармоқларини барпо этиш ва уларни эксплуатация қилиш бўйича кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш борасида, шу жумладан, хорижий мамлакатларда катта тажрибага эга. Активлари қиймати 800 миллиард доллар атрофида.

“State Grid” компанияси раиси Синь Баоан билан ушбу компания иштирокида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, юқори вольтли электр узатиш линияларини қуриш ва инфратузилма объектларини модернизация қилиш, бунда илғор инжиниринг ечимлари ва юксак технологияларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз энергетика тармоғи учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма лойиҳаларни жадаллаштиришга қаратилган “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитой Халқ Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ” КОНЦЕПЦИЯСИНИ МИНТАҚАВИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АНИҚ ДАСТУРЛАРИ БИЛАН БОЙИТДИ

17-18 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумининг тадбирларида иштирок этди ва ялпи мажлисда нутқ сўзлади. Ўзбекистон Президентининг Хитойга амалий ташрифи, кўп томонлама ва икки томонлама тадбирларда самарали иштироки хорижий экспертлар ва таҳлилчиларнинг эътиборини тортди.

Нине ЛИНДЕ, Латвия Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг директори:



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга амалий ташрифи, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумида иштироки Тошкентнинг нуфузли халқаро платформалар доирасида ҳар томонлама ҳамкорлиқни кенгайтиришга бўлган интилишларига тўла мос келади. Улардан бири, шубҳасиз, “Бир макон, бир йўл” ташаббусидир.

Ўзбекистон етакчисининг нутқида қайд этилган жаҳон очиқ иқтисодиётини ривожлантириш учун ўзаро боғлиқлиқни чуқурлаштириш, “Яшил ипак йўли”ни биргаликда барпо этиш, рақамли иқтисодиёт, тўсиқларсиз савдо, халқлар ўртасидаги алоқалар, иқтисодий ўсишнинг янги ҳаракатлантирувчи кучлари, ақл марказларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашда “Бир макон, бир йўл” ташаббуси кўп томонлама форматлардан бири сифатида ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон раҳбарининг глобал эркин савдо режимини қўллаб-қувватлаш, транспорт ва логистика йўлакларини модернизация қилиш ҳамда савдо алоқаларини оптималлаштиришга даъвати Буюк ипак йўли бўйлаб транспорт, савдо, энергетика йўлакларини реконструкция қилишда муҳим асос бўлади.

Андрей ХРИЕНКО, Россияда фаолият кўрсатадиган “Вектор” Халқаро стратегик тадқиқотлар институти директори:

— Шунинг таъкидлашга истардимки, “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форуми бугунги кундаги минтақавий ва глобал халқаро кун тартиби, жумладан, МДХ мамлакатлари учун жуда муҳим воқеа ҳисобланади.

Бу ташаббусни амалга ошириш жараёни тез суръатлар билан давом этмоқда. Мен шу ўринда ушбу концепциянинг энг муҳим иштирокчиси бўлган Марказий

Холид МАҲМУД, Покистондаги “Novugen Pharma” компанияси асосчиси:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга амалий ташрифи ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Ҳар иккала мамлакат Покистоннинг минтақадagi энг муҳим стратегик шериклари ҳисобланади. Бундан ташқари, Покистон ҳам “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг иштирокчиси.

Камбағалликка қарши кураш Покистон учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун камбағаллик ва ишсизликка қарши курашда Хитой тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш соҳасидаги амалий ҳамкорлик мамлакатларимизнинг иқтисодий ривожланишида қўл келади.

Бизнесни бошлаш учун имтиёзли молиялаштириш элементларини жорий этиш, ХХР тажрибаси бўйича аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳамда ишсизларни мақсадли ҳимоя қилиш мамлакатларимизда фаол равишда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, давлатнинг кўмаги муҳтожларни маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлайди, улар камбағаллик билан ёлғиз қолмаганини ҳис қилади ва бу ўзларига бўлган ишончни оширади.

Ҳозирги глобал геосиёсий қарама-қаршиликлар даврида Ўзбекистон раҳбари Хитой ҳамда Осиё-Тинч океани минтақасининг бошқа мамлакатлари билан ўзоқ мулоқатли ва яқин ҳамкорликни йўлга қўйишга муваффақ бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ХХР Раиси Си Цзиньпин билан учрашувидан ўзаро товар айланмаси ҳажмини 20 миллиард долларга етказиш, юқори технологиялар соҳасида, муқобил энергетика, кимё, машинасозлик, металлургия, электротехника, инфратузилмани модернизация қилиш ва бошқа йўналишларда инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга оширишга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Покистон ҳам бу йил ўзаро савдонинг 1 миллиард долларга етказиш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилди.



Сирдарё вилоятида ташкил этилган “Novugen Pharma” компаниямиз бир неча йиллардан буюн Ўзбекистон фармацевтика бозорида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Бу Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги sanoat кооперациясининг ёрқин намунасидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақалараро алоқаларини фаоллаштириш тўғрисидаги таклифи алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон ва Покистон аллақачон бу йўналишдаги ишларни бошлаб юборган. Масалан, ўтган давр мобайнида Покистонга Ўзбекистоннинг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари ва ишбилармон доиралари делегациялари келди, жорий йилда эса Панжоб вилояти раҳбарияти Ўзбекистоннинг Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида бўлди.

Покистон жуғрофий ва тарихий жиҳатдан Ўзбекистонга яқин. Хитой билан умий қиёрага эгамиз. Биз асрлар давомида бу мамлакатлар билан транспорт йўлакларини орқали боғланганмиз.

Шу боис, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилишининг бошланган бизни руҳлантирди. Бу лойиҳа Трансафғон темир йўли билан биргаликда Хитойнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган йўналишнинг ажралмас қисмига айланади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро кун тартибидаги энг долзарб масалалар бўйича анча фаол эканига ургу бермасликнинг иложи йўқ. Бунинг Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тадбирда конструктив таклифлар билдирган ташқи сиёсий фаолияти билан ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш лозимки, барча халқаро форумлар ва юқори даражадаги тадбирларда Ўзбекистон раҳбари жуда муҳим таклифларни илгари суради.

Хари НАРАЙАНАНА, Малайзиянинг Осиё-Тинч океани технология ва инновациялар университети ректори:



— “Бир макон, бир йўл” ташаббуси турли қитъаларда жойлашган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш, жумладан, янада қулай шароитлар яратиш орқали савдо ва инвестиция, транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ва маданият соҳаларида шериклик салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган аср лойиҳаси ҳисобланади.

Мамлакатнинг халқаро денгиз бандаргоҳларига қиқш зарурлиги ҳисобга олинар экан, Ўзбекистоннинг “Бир макон, бир йўл” ташаббусини амалга оширишдаги иштироки жуда муҳим эканлиги аён бўлади. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши Марказий Осиё минтақасини Хитой орқали Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, жумладан, Малайзия бозорлари билан боғлайдиган транспорт ва логистика йўналишларини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз, деб ўйлайман.

Руди ФАНГ, Сингапурдаги “CASEA” Марказий ва Жануби-шарқий Осиё бизнес палатаси бош директори, Ўзбекистон — Сингапур туризмни ривожлантириш маркази раҳбари:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Пекинда бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумидаги иштирокини катта қизиқиш билан кузатдим.

Назаримда, анжуман глобаллашиб бораётган дунёнинг замонавий қаҳиркларига тўла равоқ беради. Оқиш глобал иқтисодиётни ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, савдо алоқаларини мустаҳкамлаш ва энг муҳими, одамларни ва таълим марказларини бирлаштириш катта аҳамиятга эга.

2013 йили ХХР раҳбари Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган “Бир макон, бир йўл” лойиҳасида муассасмалашган ғоялар Хитойнинг халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш истагини намоён этиди.

Ушбу ташаббусни ҳаётга татбиқ этишда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигидаги Ўзбекистоннинг фаол иштироки таъсирга созовор. Мамлакат қизиқишлари ҳудудларини ривожлантириш дастурларини кенгайтириш, транспорт, савдо ва энергетика йўлакларини мустаҳкамлаш, интеграциялашган технопарклар, илмий кластер ва эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш орқали инновацияларни жорий этишга қаратилгани билан эътиборга молик.

Ўзбекистон етакчиси томонидан илгари сурилган ташаббуслар, Хитой — Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида иқтисодий йўлакни ривожлантириш, “яшил” иқтисодиётга эътибор ва инсон капиталини ривожлантириш умумий тараққиёт учун жуда муҳим.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Хитой билан туризм, соғлиқни сақлаш ва маданий алмашинув бўйича ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланиш учун катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида Хитой сармоясининг ортиб бораётгани икки давлат ўртасидаги ишонч ва содақатни намоён этади.

Таъкидлаш керакки, “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форуми мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаб, мисли қўрилмаган юксалиш ва фаровонлик даврини бошлаб беради. Ўзбекистон раҳбарининг ушбу форумдаги иштироки эса мамлакатнинг халқаро ҳамкорлиқка катта аҳамият бераётгани ва глобал иқтисодий мулоқотга салмоқли ҳисса қўлиш ниятида эканидан яққол далолатдир.

“Дунё” АА

БМТнинг Жаҳон туризм ташилоти (UNWTO) Бош Ассамблеяси 25-сессияси кизгин ва ишчан руҳда давом этмоқда. Унинг ҳар бир куни тадбир ва учрашувларга бой бўлиб, Самарқанд туризм истиқболлини муҳокама қилишнинг ўзига хос майдонига айланган. Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта UNWTO сессиясига мезбонлик қилмоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда сўнгги йилларда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳамда қулай инвестиция муҳити яратилаётгани натижасидир. Мана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли Самарқандни янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозасига айлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу заминда халқаро туристик марказ ташкил этилди, Самарқанд халқаро аэропорти реконструкция қилинди, бундан ташқари, шаҳар инфратузилмаси янгиланди.

Илгари сайёҳлар Самарқандга фақат тарихий обидаларни кўриш учун келган бўлса, ҳозир туристик тармоқлар ва объектлар сони кескин кўпайди, янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилди. Бунинг натижасида сайёҳлар оқими йил сайин ошиб бормоқда. Мазкур тадбир эса нафақат Самарқанд, балки мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти тобора юксалиб бораётганидан далолат беради. Қувонарлиси, бу борадаги ишлар изчиллик касб этиб, янги-янги лойиҳалар рўёбга чиқарилимоқда, тармоқ ривожга йўлида янги ташаббуслар ўртага ташланмоқда. Ўзбекистон эса бу борада анча фойдалиги билан алоҳида эътирофга лойиқ кўрилмақда.

— Президентимизнинг анжуман очилиш маросимидаги нутқиди мамлака-

тимиз сайёҳлик тармоғи имконияти, салоҳияти ва истиқболдаги режалари алоҳида тилга олинди, — дейди эколог-ия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов. — Давлатимиз раҳбари еттига аниқ ташаббус айтиб, Ўзбекистон туризмни ривожлантиришга қатъий интилаётганини таъкидлади.

Ипак йўлининг марказида жойлашган Самарқанд Шарқ ва Ғарб ўртасида кўприк бўлган. Бу заминда 100 дан ортқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Самарқанд — очиқ осмон остидаги музей. Илм, савдо-сотик тисмоли, янги Ўзбекистоннинг сайёҳлик дарвозаси. Шу маънода, мазкур йирик халқаро анжуманнинг Самарқанда ўтказилаётгани бежиз эмас. Кейинги беш йил



Ҳақим Йўлдошев олган суратлар.

давомида туризм йўналишида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар бунга замин яратди. Хусусан, ўтган вақт мобайнида 100 га яқин давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз келиш имконияти тақдим этилди. Халқаро ҳамкорларимиз билан алоқалар фаол тус олди.

Ўтган икки йил ичида Бош Ассамблея сессиясини ўтказишга тайёргарлик жараёнида зарур ҳуқуқий ва бизнес асослари яратилди. Муҳим инфратузилма, жумладан, тарихий обидаларни тиклаш,

кўприклар, йўллар қуриш, сув, энергетика таъминотини яхшилаш учун 1 миллиард доллар сармоа киритилди. Бунда давлат-хусусий шериклик тамойили муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 60 та янги меҳмонхона қурилиб, 40 таси таъмирланди. Марказий Осиёдаги энг йирик туризм мажмуаси бўлган “Silk Road Samarkand” ишга туширилди. Бу лойиҳаларнинг аксарияти “яшил” инвестицияларга асослангани янада диққатга сазовор.

Вазир сўзларидаан аглашиладики, инвестиция мазкур форумнинг муҳим мавзурларидан бири бўлмоқда. Бу борадаги ҳамкорлики мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда унинг доирасида бўлиб ўтган глобал инвестиция форуми кўл келди.

— Инвестиция форуми Ўзбекистоннинг туризм имкониятини янги йўналишларда кенгайтиришга хизмат қилади, — дейди Туризм қўмитаси инвестицияларни жалб қилиш ва тадбиркорликини ривожлантириш бошқармаси масъул ходими Абдорхўжа Мунавваров. — Чунки унда республикамизнинг 14 худуди, шунингдек, учта рекреацион ҳудуд, Марказий Осиё давлатлари стендлари билан иштирок этди. Форум доирасида маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун 3 миллиард долларлик лойиҳалар тақдим этилди.

Мисол учун, Mastercard билан имзоланган меморандум асосида мазкур тақсилот Ўзбекистонни ўзининг туристик хаби оиласига қўшади. Бу орқали юртимизга саёҳат қилишни тарғиб этади. Инвестиция форумида эришилган бундай келишувлар анчагина. Муҳими, улар мамлакатимиз сайёҳлик имконияти ва иқтисодийтимиз раванқига хизмат қилади.

Форум доирасида таълим йўналишидаги тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш, малакасини халқаро стандартлар асосида ошириш алоҳида

аҳамият касб этмоқда. Туризм соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар самарасида бу тизим тобора ривожланиб бормоқда.

Кейинги 3 йилда туризм соҳасида кадрлар тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшлар сони 11 минг 500 нафарга етди.

ШўҒта аъзо давлатлар ўртасидаги тарихий маданий ва гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш, жаҳон туризм бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида 2018 йилда Президентимиз ташаббуси билан “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети ташкил этилди.

Бугунги кунда халқаро университетда туризм, логистика, гид-таржимонлик, музейшунослик, археология, ижодий индустрия, маданий меросни бошқариш каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Университетда дарс бериш учун АҚШ, Япония, Австралия, Хитой, Италия ва Ҳиндистоннинг етакчи университетларида фаолият юритувчи 20 дан ортқ хорижий профессор жалб қилинган.

БМТнинг Жаҳон туризм ташилоти Бош Ассамблеяси 25-сессияси иши давом этмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон”
мухбирлари**

Сўз — анжуман иштирокчиларига!

**Карлос ФАРМА,
Осиё тараққиёт банки вакили:**

— Ўзбекистон сайёҳлар энг кўп келадиган давлатлардан бири. Ушбу йўналишдаги ислохотлар ҳар жиҳатдан диққатга сазовор. Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур халқаро анжуманнинг очилиш маросимида илгари сурган ташаббусларини Осиё тараққиёт банки ҳам қўллаб-қувватлайди.

Жумладан, Президент ўз нутқида Буюк ипак йўлининг туризм ривожланишидаги ўрнини алоҳида таъкидлади. Буни яхши англай-

миз. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида янада катта натижаларга эришиши минтақа ривожга учун муҳим.

Юртингизда Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан кўпроқ имконият бор. Чунки Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарлар кўп. Чет эллик меҳмонлар, саёҳат учун келган тадбиркорлар бу мамлакатга инвестиция киритиб, бизнесини йўлга қўйяпти.

Бу тадбир туризм ривожининг келажиги ҳамдир. Боиси, ушбу халқаро мулоқот платформаси амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга, янги ташаббусларга асос бўлади.

“туризм қишлоғи” мақомини олиши учун номзодини тақдим этганмиз. Чунки ҳудудда 4 та зиёрат жойи, 23 та оилавий меҳмон уйи бор. Сайёҳларга ҳужжат ва молиявий жиҳатдан хизмат кўрсатувчи бошқа шохобчалар ҳам ишлаб турибди.

Мана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли вилотимизга жорий йилнинг тўққиз ойида 1 миллион афроида маҳаллий ҳамда 200 мингдан ортқ чет эллик меҳмон ташриф буюрди.

Инвестиция форумида 300 минг хорижий сайёҳни жалб этишга мўлжалланган лойиҳаларни тақдим этдик ва бу борада Япония, Жанубий Корея, Қирғизистон, Тожикистондан келган сайёҳлик фирмалари ҳамда компаниялар билан келишувларга эришидик.



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

САЙЛОВ ИСЛОҲОТИ — ДАВР ТАЛАБИ

**Шухрат БАҒОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Демократик институтлар, нодавлат
ташкilotлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари қўмитаси раиси**

Сайлов — демократик давлатнинг муҳим белгиси. Чунки сайловда халқ давлатнинг вакиллик органларини, давлат ва ҳукумат раҳбарларини шакллантиришда хоҳиш-иродасини намоён этади, мамлакат бошқарувида иштирок этади. Бир сўз билан айтганда, демократия, аввало, сайловдан бошланади.

Ҳозир Ўзбекистонда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мажоритар сайлов тизими асосида, яъни ҳудудий бир мандатли округ бўйича сайланади.

Мажоритар сайлов тизимида сиёсий партиялар ҳар бир сайлов округи бўйича алоҳида номзодларни кўрсатади. Сайловда фуқаролар айнан бир номзодга овоз беради ва сайловчиларнинг мутлақ кўпчилиги ёқлаб овоз берган номзод сайланган ҳисобланади.

Сиёсий партиялар вакиллик органларида кўпроқ ўрин эгаллаш мақсадида, энг аввало, номзод кўрсатиш жараёнида

сайлов округининг ўзига хослиги, мазкур сайлов округида номзоднинг шахси, обрў-эътибори, индивидуал қобилияти ва фазилатлари каби жиҳатларга эътибор қаратади.

Шу билан бирга, партиялар сайловолди ташвиқотида ўзларига эмас, айнан номзодларга кўпроқ эътибор қаратади. Ўзбекистонда амалиёт ва умуман, хорижий давлатлар тажрибаси мажоритар сайлов тизимининг ижобий жиҳатлари билан бирга, қатор камчиликларини намоён этмоқда.

Биринчидан, парламентни шакллантиришда сайловчиларнинг ғолиб



номзодга берилган овозлари инобатга олинади. Яъни ғолиб номзодни сайлаган фуқароларнинг хоҳиш-иродаси асосида вакиллик органлари шакллантирилиб, қолган сайловчиларнинг овози аҳамиятга эга бўлмайди.

Мисол учун, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2019 йилги сайловда 6,15 миллион (сайловчиларнинг 44 фоизи) сайловчи ғолиб бўлмаган номзодларга

овоз бергани сабабли ушбу овозлар парламентни шакллантиришда аҳамиятга эга бўлмаган.

Иккинчидан, ушбу тизим кўппартиявийлик ривожига етарлиқ шароит яратмайди.

Учинчидан, биринчи турда ҳеч ким сайланмаслик эҳтимоли ва бўшаб қолган ўринларни тўлдириш учун сайлов ўтказиш ва ушбу жараёнларни молиявий таъминлаш зарурати доимий равишда кўн тартибда бўлади. Яъни давлат бюджетидан сайлов харажатлари учун ҳар беш йилда бир марта эмас, балки деярли ҳар йили маблағ сарфланиши тақозо этилади.

Масалан, 2019 йилдаги сайловда 616 мандат бўйича такрорий овоз бериш жараёнини ўтказиш учун деярли 38 миллиард сўм сарфланган.

Пропорционал сайлов тизимида эса сайловчилар аниқ бир шахсга эмас, балки сиёсий партиялар номзодлар рўйхатига, яъни партия рўйхати асосида овоз беради ва депутатлик ўринлари партиялар олган овозларга мутаносиб равишда тақсимланади. Пропорционал сайлов тизими оқорида санаб ўтилган мажоритар сайлов

тизими камчиликларини бартараф этиш имконини беради.

Мажоритар ва пропорционал сайлов тизими — аралаш сайлов тизими. Ҳозир Жанубий Корея, Бельгия, Венгрия, Қозғистон, Германия ва Испания каби давлатлардаги сайловлар ушбу тизим асосида ўтказилади.

Аралаш сайлов тизимида сайловчилар парламент депутатларининг бир қисмини партияларнинг номзодлар рўйхатига овоз бериш орқали сайлайди ва қолган мандатлар мажоритар тартибда алоҳида номзодларга овоз бериш орқали сайланади. Бу дегани, депутатларнинг 50 фоизи ҳудудий бир мандатли сайлов округи орқали, қолган 50 фоизи партия рўйхати асосида сайланади.

Парламент мандатлари шаклланишидаги ўзаро тақсимот турли хорижий давлатларда турлича бўлиши мумкин. Мисол учун, Қозғистонда парламент қўйи палатаси депутатларининг 70 фоизи пропорционал тартибда, қолган 30 фоизи мажоритар тизим асосида, Германияда эса 81 фоизи пропорционал тартибда, қолган 19 фоизи мажоритар тизим асосида сайланади.

Аралаш тизим пропорционал тизимнинг умумий афзалликларини сақлаб қолган ҳолда сайланган депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги алоқани таъминлаш ҳамда мажоритар сайловда муваффақият қозона олмаган партияларга ҳам ўзлари олган овозларга мутаносиб депутатлик мандатларини қўлга киритиш имкониятини яратди.

Аралаш сайлов тизими қатор афзалликларга эга. Жумладан:

— ҳар бир сайловчиларнинг овози муҳимлиги таъминланиб, депутатлик ўринларини шакллантиришда инобатга олинади;

— сиёсий партияларнинг мавқеини оширади, яъни уларни соғлом рақобатга ундайди;


— бўшаб қолган депутатлик ўринларини тезкорлик билан тўлдиришни кўзда тутади;

— сайлов кампанияси харажатларини қисқартиради;

— депутатлар таркибига муайян соҳа бўйича етарли билим ва тажрибага эга малакали мутахассислар сайланишига шароит яратди;

— партиявий рўйхат асосида сайланган депутатнинг партия ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси олдида масъулиятини оширади.

Бир сўз билан айтганда, аралаш сайлов тизими ҳар иккала тизимнинг камчиликларини истисно этувчи мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари уйғунлигини ўзида акс эттирган сайлов тизимидир.





НУҚТАИ НАЗАР

Лазизбек САИДОРИПОВ, Ўзбекистон миллий метрология институти директори, Евроосиё давлат метрологик ташкилотлари ҳамкорлиги вице-президенти

Бугун истеъмол маданияти ривожланган давр. Демак, сифат масаласи биринчи ўринга чиқади. Махсулотлар, хизмат кўрсатиш, маълумот узатиш — барчасида шу мезон устуворлик қилади. Бу борада бутун дунёга тушунарли “тил” — стандарт. Айни жиҳатларни эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда ҳам барча соҳада халқаро андозалар жорий этилмоқда. Ҳар бир соҳада жаҳон бозорига мувофиқликни таъминлашнинг давлат, иқтисодийёт ва жамият учун стратегик қиймати юқори.



ланмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Метрологик фаолият ва инфратузилманинг такомиллашиши доимий равишда иқтисодий ўзгаришлар ва маҳаллий ишлаб чиқариш, йирик ва кичик бизнес корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорлики қулай тарзда ривожлантириш шароитларига мос бўлиши керак. Институтда мутахассислар малакасини ошириш, илмий салоҳиятини кенгайтириш, чет эл тажрибасини ўрганиш ва татбиқ этиш учун соҳага доир халқаро семинар-тренинглار, анжуманлар, малака ошириш курсларида иштирок этиш доимий эътиборда. Шу йилнинг айни пайтига қадар 20 дан ортиқ мутахассис Туркия, Жанубий Корея, Австрия, Жанубий Африка Республикаси, Россия, Венгрия, Латвия каби давлатларда бўлиб, халқаро грантлар асосида ўқув курслар ҳамда семинар-тренингларда малака оширди.

Бугунги кунда хизматлар экспорти ҳам йўлга қўйилиб, унинг географияси кенгайиб бормоқда. Илк бор Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Туркменистоннинг 36 та юқори аниқликдаги ускунаси калибраниб, институтимиз лабораторияларида 20 га яқин хориқлик метрологнинг малакаси оширилди.

Энергия назоратида ишончли ҳисоб юритилиши сарф-ҳаражатларни аниқлашнинг асосий шарти бўлиш билан бирга, тежамкорликка хизмат қилади. Электр энергияси сифатини ўлчаш учун “smart” қурилмаси ва “farsax” миллий метрология электрон фонди яратилди. Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилган мазкур стартап лойиҳалар катта самара беради.

Жорий йилда 419 мингдан ортиқ ўлчаш воситаси метрологик текширувдан ўтказилган бўлса, шулардан мингга яқини яроқсиз деб топилди. Ўзбекистон миллий метрология институти янги метрология, яъни ривожланган, замонавий, индустриал ва чет давлатлар тан олган энг юқори аниқликдаги миллий ўлчашларни йўлга қўймоқда. Бунинг учун креатив фикрловчи малакали мутахассисларимиз миллий метрологияни янада ривожлантириш бўйича энг таъсирчан механизмлар, дастурлар ва инновацион лойиҳалар ишлаб чиқишда давом этади. Қолаверса, минтақада сифатли ва энг юқори аниқликдаги метрологик хизматлар кўрсатувчи “метрологик хаб” ғоясини ҳаётга татбиқ этиш йўлида жаҳон тажрибасини ўрганади ва тажриба алмашади.

Метрология тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш миллий иқтисодийёт тармоқлари салоҳиятини ошириш баробарида, экспорт ҳажмини кўпайтириш, тадбиркорлики хар томонлама кўллаб-қувватлаш ҳамда соғлом инвестициявий муҳит яратилишида ҳам муҳим оммил бўлади. Айни жиҳатлар ҳисобга олиниб, соҳани янада ривожлантириш учун зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Моҳиятан “ўлчаш” маъноси англатиб, ўлчовлар, уларнинг бир хиллигини таъминлашни талаб этадиган метрология соҳасида ҳам халқаро андозалар муҳим. Шу боис, соҳада ўлчовлар ягоналигини таъминлаш, уларнинг халқаро даражада эътироф этилишига эришиш бўйича тизимли ишлар амалга оширил-япти. Биргина мисол, “Электрон ҳукумат” тизимининг амалиётга татбиқ этилиши аҳолига давлат хизматларини қулай ва осон шаклларда кўрсатиш кўламини ошириши баробарида фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юришидек муаммога ечим бўлди.

Аслида, стандартлаштириш ҳам, метрология ҳам сифат миллий инфратузилмасининг энг муҳим элементларидан бири. Аниқ ўлчашларни таъминлаш метрология бўйича миллий орган — Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Ўзбекистон миллий метрология институти зиммасидаги муҳим вазифа. Ҳар бир жабҳада амалга оширилаётган тўғри ва аниқ ўлчашлар орқали хатолар келтириб чиқарадиган оқибатларнинг олди олинади.

Миллий метрология соҳасининг ҳар бир йўналишига алоҳида эътибор қаратилиб, норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш фаолиятининг хусусий сектор томонидан амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ҳамда Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти (OIML)нинг тавсиявий ҳужжатига асосан ишлаб чиқилган “Метрология тўғрисида”ги қонунга ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси парламентимиз томонидан маъқуллашди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон миллий метрология институтида иқтидорли ёш метролог олимларнинг янги ёлпари асосида замонавий ускуналар билан жиҳозланган электр, тиббиёт ва автотранспорт



воситалари тезлигини ўлчаш қурилмаларига эга метрологик қиёслаш кўрсатадиган махсус кўчма (мобиль) лабораториялар фаолияти йўлга қўйилди.

Олдимиздаги асосий вазифалардан яна бири саноат метрологияси йўналишида метрологик кузатилувчанликни таъминлаш учун муҳим бўлган миллий эталонлар базасини ривожлантириш, лабораторияларни модернизация қилиш ҳамда замонавий инфратузилма барпо этишдан иборат. 2023 йилда 20 та эталон яратиш бўйича тегишли ҳужжат ва техник топшириқлар ишлаб чиқилди, ҳозир ваколатли идоралар ҳулосалари тайёрланяпти.

Ўзбекистонда вақт ва частота эталонини яратиш ҳамда миллий вақт шка-

ласини ҳосил қилиш мақсадидаги амалий ҳаракатларимиз натижа бермоқда. Туркия миллий метрология институти экспертлари иштирокида вақт ва частота лабораториясида эталоннинг дастлабки фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир миллий вақт шкаласи сунъий йўлдошли глобал навигацион тизим (GNSS) томонидан таъминланадиган вақт тизими билан синхронлашган ҳолда яратилмоқда. Энди лойиҳада кўзда тутилган атом соати орқали Ўзбекистон миллий вақт шкаласи тўлиқ ҳосил қилинади ва республика бўйлаб “аниқ вақт хизмати” йўлга қўйилади. Ҳозирги пайтда Россия ва Қозғистонда мавжуд бўлган вақт шкаласи Ўзбекистонда ҳам яратилиш арафасида.

ТАРАДДУД



ШИМОЛНИНГ ШАМОЛИ ҲАМ ИЗФИРИН

ЁХУД ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА КЎРИЛАЁТГАН ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИГА БИР НАЗАР

Ember энергетика таҳлил маркази маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида электр энергияси истеъмолига глобал талаб 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 фоиз ошган. Лекин мазкур кўрсаткич сўнгги 10 йилда кузатилаётган 2,6 фоизлик тарихий ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада пастлиги диққатга сазовордир.

Марказ ҳисоботида қайд этилишича, электр энергияси истеъмолига глобал талабнинг бу тахлит пасайиши, биринчи навбатда, айрим йирик иқтисодиётлар, хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатларида талабнинг қисқариши билан боғлиқ.

Яна бир эътиборга молик жиҳат: ушбу даврда электр энергиясини ишлаб чиқаришда шамол ва қуёш энергиясининг улуши ошиб, 14,3 фоизни ташкил этган (2022 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 12,8 фоиз эди). Хусусан, глобал электр энергияси ишлаб чиқаришда шамол энергиясининг улуши 8,75 фоизни ташкил этган бўлса, қуёш энергиясининг улуши 5,52 фоиз ошган.

Мамлакатимизда ҳам электр энергияси истеъмолида самарадорлиқни ошириш ҳамда “яшил” энергетикани ривожлантириш борасида дунёнинг кўплаб тарақий этган давлатларидаги каби йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, буни биргина шамол қуввати-дан фойдаланиб, электр энергияси ҳосил қилиш борасидаги ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маълумотларга кўра, юртимизнинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, айни пайтда Ўзбекистондаги қайта тикланувчи энергиянинг йиллик электр қуввати жуда катта ҳисобланади. Хусусан, шамолдан 1 триллион киловатт-соатгача электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Мамлакатимиз, шу жумладан, Қорақалпоғистонда ҳам ушбу табиий имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўтган йили Беруний ва Қораўзақ туманларида 100 мегаваттлик шамол электр станцияси қурилиши бошланган эди.

Станция 2024 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. У ишта тушгач, йилига 350 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқариб, 120 мингдан ортиқ хонадонни муқобил энергия билан таъминлайди. Яна бир муҳим жиҳати, йилига 106 миллион метр куб табиий газ тежалади ҳамда атмосферага 160 минг тонна зарарли чикинди чиқилишининг олди олинади. Ушбу ҳажмдаги тежадан газ ҳисобига 35 мингга хонадондан 1 йил давомида табиий газ билан таъминлаш мумкин.

Лойиҳа қиймати 108 миллион долларни ташкил этувчи станцияда 25 та шамол турбинаси ўрнатилади. 20 километрлик 220 киловатт қучланишли электр узатиш ҳаво линияси тортилиб, бу қувват мамлакат ягона энергетика тизимига уланади.

Қорақалпоғистонда ҳам аҳолининг электр энергиясига эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида эскирган электр узатиш тармоқлари, яроқлилик муддати ўтган трансформатор пунктларини янгисига алмаштириш, электр ускуналарни



қайта таъмирлаш, симёғочлар ўрнига бетон устунлар ўрнатиш ишлари бажарилмоқда.

Бу борада Амударё тумани электр таъминоти корхонаси томонидан олиб борилаётган тиклаш-таъмирлаш, электр тақсимлаш пунктлари ва узатиш тармоқларида ўтказилаётган синов ишлари диққатга сазовор.

— Жорий куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш, шунингдек, кучли шамол, сел-ёғир ҳолатлари юз берганида узилишларнинг олдини олиш мақсадида 46 та трансформатор пункти, 160 километрдан ортиқ узунликдаги ҳаво электр тармоқлари ҳамда эскирган таянч устунлари алмаштирилди, — дейди Амударё тумани электр таъминоти корхонаси раҳбари Мансур Худайбергенов. — Бундан ташқари, юздан ортиқ трансформатор

пунктлари, 251 километр узунликдаги электр узатиш ҳаво тармоқларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Туманининг Хизр эли, Ўзбекистон, Қорамон, Дурунки, Дустлик, Бешовул, Афёчи, Гулзор, Уйшин маҳаллалари ҳамда Бобур ва Амир Темур номли, Чойқўл, Тўлқин, Дўрман ҳамда Қангли овулларидаги истеъмолчиларни электр энергияси билан барқарор таъминлаш, электр узатиш тармоқларида муаммо эс бермаслиги учун 14 та трансформатор пункти ҳамда 33 километрдан ортиқ узунликдаги электр узатиш тармоқларини куриш режалаштирилган эди. Айни пайтда мазкур худудларда электр узатиш тармоқлари тортилиб, 10 та трансформатор ўрнатилди, яна тўрттасини ўрнатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-

тадбирлар ҳам қўриб қўйилган. Хусусан, бундай ҳолатларда хавфни тез бартараф этиш мақсадида қўшимча захира тайёрланган. Зарур автотранспорт воситалари, ёнгина қарши ускуналар соз ҳолатга келтирилиб, фавқулодда ҳолатларни тез бартараф этишга йўналтирилувчи ва тиклаш-таъмирлаш ишларини амалга оширишга масъул бригада ҳам тузилган. Тўну кун узлуксиз навбатчилик тизими қайта қўриб чиқилиб, қатъий интизомга асосланган тизим ташкил этилган.

Президентимизнинг 2023 йил 10 апрелдаги “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, куз-қиш мавсумини талафотсиз ўтказиш ҳамда иссиқлик таъминотини ўз вақтида етказиб бериш мақсадида ижтимоий соҳа объектлари иситиш тизими давлат-хусусий шериклик асосида кўмир ёқилмасига мослаштирилмоқда.

Мазкур қарор асосида Беруний туманидаги 31 та объект “ЧКБ Энерго груп” МЧЖга давлат-хусусий шериклик асосида бириктирилган. Унга кўра, мазкур объектларнинг иситиш тизимига 10 йил давомида ушбу корхона масъул бўлади. Бунинг учун корхона томонидан ушбу ижтимоий соҳа объектларига Туркия технологияси асосида ишлаб чиқарилган замонавий иситиш қозонлари ўрнатил-япти. Қиш фаслида хоналарнинг ички иссиқлик ҳарорати 22 даража, дахлизлар эса 18 даражадаги иссиқлик билан таъминланади.

Тахтакўпир туманида коммуникация тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолининг иситиш ускуналаридан фойдаланишида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

— Аҳолига 4 та подстанция, 200 дан ортиқ трансформатор пункти, қарийб 304 километр узунликда юқори кучланишли

ҳаво узатиш тармоқлари орқали электр энергияси етказиб берилмоқда, — дейди туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Бахтияр Давлетмуратов. — Электр ускуналари ва тармоқларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлаши учун тизимли реконструкция-модернизация ишлари олиб борилди. Жумладан, “Тахтакўпир”, “Орталик” ва “Даўқара” подстанцияларида олиб бориладиган кичик таъмирлаш ишлари аяқланди. 26 та трансформатор пункти ва 107 километр ҳаво узатиш тармоқларида йирик, 86 та трансформатор пункти ва 183 километрли ҳаво узатиш тармоқларида эса кичик таъмирлаш ишлари ўтказилди.

Бугунги кунда Тахтакўпир тумани бўйича жами 7500 дан ортиқ хонадон газлаштирилган. Шундан 5 минг 558 таси табиий, қарийб 2 минг хонадон эса суюлтирилган газ билан таъминланган.

— “Тахтакўпиртумангаз” газ таъминоти бўлимига тегишли газ тармоқлари узунлиги 539,5 километри ташкил этади, — дейди газ таъминоти бўлими раҳбари Адилбек Қидирбаев. — Туманимизда 242 та газ тақсимлаш пункти ўрнатилган бўлиб, шундан 12 таси юқори, 230 таси ўрта босимга мўлжалланган. Жорий мавсумга тайёргарлик ишлари режа асосида олиб бориляпти. Аҳоли хонадонларида “ақлли” газ ҳисоблаш ускуналари, шу билан бирга, давлат ташкилотларига “Остен” маркали газ ҳисоблагич ускуналари ўрнатиб берилди.

Тумандаги 23 та умумий ўрта таълим мактаби, 16 та мактабгача таълим ташкилоти, туман тиббиёт биришласи ва унинг жойлардаги хизмат кўрсатувчи 6 пункти, туман спорт бўлими, маданият маркази биналарида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари аяқланмоқда.

Умуман олганда, ўтган йил қиш фаслида кузатиладиган аномал совуқдан тегишли ҳулосалар чиқарилган ҳолда, Қорақалпоғистонда жорий йил куз-қиш мавсумини талафотсиз ўтказиш, барча истеъмолчилар, айниқса, олис худудларда истиқомат қилаётган юртдошларимизни электр энергияси, газ ва иссиқлик тизими билан барқарор таъминлаш учун барча зарур чоралар қўрилмоқда.

МИНАЖАТДИН ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



“INNOWeek — 2023”

КРЕАТИВ

ЛОЙИХАЛАР ПЛАТФОРМАСИ

ЯНГИ НОМЛАРНИ КАШФ ЭТИБ, САМАРАЛИ
КЕЛИШУВЛАРГА ЙЎЛ ОЧАПТИ

“Креатив таълим ва инновациялар — янги Ўзбекистон тараққиётининг асоси” шиори остида ўтаётган “InnoWeek—2023” халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги давом этмоқда. Ҳафталикнинг кейинги куни ҳам ёрқин тадбирларга бой ўтди. “Айланма иқтисодиёт учун инновациялар: стартаплар ва корпорацияларни бирлаштириш” мавзусидаги учрашув, “Ихтирочилик ва рационализаторлик” танлови, “Германия — Ўзбекистон илм-фан куни” халқаро илмий анжумани, “Ўзбекистонда барқарор ҳаракатчанликка ўтишни тезлаштиришнинг қисқа муддатли варианти сифатида автомобилларни гибрид автомобилларга айлантириш” мавзусидаги тақдирот, “Ўзбекистонда водород ишлаб чиқаришнинг барқарор йўллари” каби кўплаб халқаро форум ва анжуманлар, семинар ва давра суҳбатлари инновация, илм-фан ютуқлари, янгича ёндашувларни ўзида мужассам этди.

Айланма иқтисодиёт
экологияга зарар
етказмайди(ми?)

Қўшимча қиймат яратиш учун мавжуд материал ва маҳсулотларни имкон қадар кўп марта ишлатиш, янгилашни ўз ичига олган ишлаб чиқариш ва истеъмол модели — айланма иқтисодиёт маҳсулотлардан фойдаланиш муддатини узайтиради. Барқарор иқтисодиётга ҳисса қўшишда бу муҳим жиҳат. Қолаверса, хомашёга қарамликни камайтиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Бугун экологияга зарар етказмайдиган инфратузилмани шакллантириш ва саноат корхоналарида айланма иқтисодиёт амалиётини жорий этишга барча давлатларда катта эътибор қаратишмоқда.

Халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида ўтказилган “Айланма иқтисодиёт учун инновациялар: стартаплар ва корпорацияларни бирлаштириш” мавзусидаги конференцияда шу ҳақида сўз борди. Хорижий ва маҳаллий экспертлар айланма иқтисодиёт тамойиллари, фойдали жиҳатлари, қолаверса, Европа мамлакатлари ва қўшни давлатлардаги

рувчи асосий манбалардир. Тиббиёт чиқиндилари эса атроф-муҳитни ифлослантириш баробарида инфекция ва ноинфекцион касалликлар тарқалиш хавфини тугдиради. Конференция юртимиз ва чет эллик соҳа вакиллари учун бу борада тажриба алмашиш имконини берди.

— Айланма иқтисодиётнинг иккита фойдаси бор: биринчи галда атроф-муҳитга зарар камайтириш, иккинчидан иқтисодий фойда келтиради, — дейди БМТнинг иқтисодий масалалар бўйича мутахассиси Кристофер Атей (Женева). — Дунё бўйича қайта ишланадиган маҳсулотлар бозорига катта самара берадиган тармоқ сифатида қаралади. Швейцария айланма иқтисодиёт бўйича етакчи давлатлардан. Ўзбекистон ва Швейцариянинг ўхшаш жиҳати бор: иккала мамлакат ҳам денгиздан йироқ. Бу борада имкониятларимиз чегараланган, аммо чиқиндини қайта ишлаш орқали катта фойда олишимиз мумкин. Айланма иқтисодиёт бўйича тажриба алмашиш, технологиялар трансферини амалга ошириш борасида икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйлаётгани самара беради. Шу маънода, “InnoWeek — 2023” ҳафталиги маҳаллий ва хорижий ишби-



ишшироқда ташкил қилинган “Ўзбекистон — Корея стартап куни” самарали келишувларга бой бўлди.

Икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида тизимли алоқа йўлга қўйилган. Жумладан, ўзаро товар айирбошлаш қиймати 1,6 миллиард АҚШ долларига тенг. Жанубий Корея Глобал инновацион индекс рейтингига дунёнинг етакчи 10 та, Bloomberg Innovation Index рейтингига дунёнинг етакчи 3 та мамлакат қаторидан жой олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу мамлакатда самарали инновацион экотизим йўлга қўйилганидан далолат беради. Шунинг учун юртимиздаги инновация, илм-фан соҳаси муносабатлари мазкур мамлакат вакиллари билан тажриба алмашиш самарали эканини таъкидлайди.

— Бугун Жанубий Кореянинг металл қукунидан деталлар ишлаб чиқарадиган “Metalsys” корхонасидан 3D принтер технологияси трансфер қилинди. Мазкур технология хориждан катта маблағ эвазига харид қилинадиган ноёб, қimmatбаҳо деталларни ўзимизда ишлаб чиқариш имконини беради, — деди Инновацион ривожланиш агентлиги бўлим бошлиғи Ҳожаакбар Каримов. — Яқин кунларда айнан мис қукунига ишлов беришга мўлжалланган шундай принтер олиб келинади. Бу арзон нархда импорт ўрнини босувчи техник воситалар яратишга хизмат қилади.

2022 йилда Жанубий Кореянинг Кёнсан пункто вилоти билан Ўзбекистонда инновацион ғоялар ҳафталигини кенг кўлабда ташкил қилиш бўйича келишувга эришилган эди. Шу муносабат билан бу галги ҳафталикда Корея Республикасидан 30 га яқин инновацион корхона, креатив таълим ва стартап экотизимини йўлга қўйишда етакчи экспертлар, инновацияларга маъсул бўлган 20 га яқин ваколатли давлат органи вакиллари иштирок этмоқда. Ҳафталик доирасида Инновацион ривожланиш агентлиги ҳамда Кёнсан пункто вилоти раҳбарияти ўртасида ўзаро аниқлашув меморандуми имзоланди. Меморандумда Жанубий Кореянинг илгор технологияларини Ўзбекистонга трансфер қилиш орқали юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий стартап корхона вакиллари Корея Республикасига малака ошириш учун қисқа муддатли стажировкаларга юборишга келишиб олинди.

Электромобиллар симсиз
қувватланади

Жанубий Кореянинг Кёнбук технопарки билан ҳамкорликда контейнерларда вертикал усулда қўлпунай

етиштириш лойиҳаси йўлга қўйилади. Мазкур стартап битта контейнерда минг туп қўлпунай экиб, бир тоннадан зиёд маҳсулот олиш имконини беради. Лойиҳанинг яна бир афзаллиги контейнерларга қуёш панели, ёмғир сувини йиғиш учун махсус мослама ўрнатилди. Муқобил энергиядан фойдаланади. Бу чиқиндисиз технология.

Ҳамкорликдаги лойиҳалардан яна бири туқимачилик саноати корхоналаридан чиқаётган чиқинди суви туз ёрдамида тозалаб, қайта фойдаланишга йўналтиришни кўзда tutади. Бу лойиҳа 2024 йилдан ишга туширилади.

Бугун электромобиль қувватлаш масаласи долзарб. Уяли алоқа воситасини повербанк ёрдамида симсиз қувватлай оламиз. Жанубий Корея билан



келишувга кўра, электромобилларни ҳам худди шундай симсиз қувватлаш йўлга қўйилади. Бунинг учун автоутироғлардаги асфальт тагига симсиз қувватлаш мосламаси ўрнатилди, натижада электромобиль қувват олади.

Илм-фанда интеграция
жараёни

Илм-фанда ҳамкорлик янада ривожланиши учун қўшма ихтисослик дастурлари бўйича стратегик мақсадларни аниқлаш ва белгилаш жуда муҳим. Мамлакатлар тажрибаси ва ресурсларидан фойдаланган ҳолда давлатлар билан бирага жаҳон илмий ҳамжамиятига ҳисса қўшадиган ҳамкорликка замин яратилади. Ҳафталик доирасида ташкил этилган “Германия — Ўзбекистон илм-фан куни” халқаро илмий конференцияси ана шу эзу мақсад рўйбига замин ҳозирлади.

Илм-фан ва инновация соҳаларидаги янги тадқиқотлар, Германиядаги турли таълим ва тадқиқот дастурлари ҳамда уларда қатнашиш шартлари, жумладан, “DFG”, “DAAD” ва бошқа етакчи илмий тадқиқот жағғармалари, шу билан бирага, яшил инновациялар, қўшма илмий тадқиқот лойиҳалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш стратегияси, мамлакатимиз ва Германия ўртасидаги қўшма илмий лойиҳалар истиқболлари ҳамда инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

— Ўзбек олимлари билан бирага 10 дан ортиқ лойиҳа устида ишлаяпмиз, — деди Германия Федерал таълим ва тадқиқот вазирлиги ходими Ханс Карстен. — Иқлим ўзгариши, сув, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги илмий изланишлар муваффақиятли амалга ошиши учун бор имконият

ишга солинган. Ўзбек олимлари зарур билим ва кўникмага эга. Биз улар билан бирага ишлаётганимиздан мамнунмиз. Кейинги пайтда Ўзбекистонда ҳам иқлим ўзгариши кескин кучайиб, шунга ўхшаган муаммолар ечимига кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Ўйлаيمانки, лойиҳаларимиз ўзининг ижобий натижасини беради.

Германия тадқиқот фонди билан ўтказилган семинарда илмий изланиш устуворликлари ва молиялаштириш дастурлари бўйича маълумот алмашилди. Келгусида грантларни Ўзбекистондаги илмий-тадқиқот марказларининг лойиҳаларига жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди. Биргаликда илм-фан соҳасидаги лойиҳалар ва қўшма дастурлар бўйича стратегик мақсадлар белгилаб олинди.

— Германиянинг Гамбург шаҳридаги ёғоч конструкция қиладиган марказ билан ҳамкорлик қиляпмиз, — деди Хоразм Маъмур академияси катта илмий ходими Одилбек Заггаров. — Тарихий обиданинг эски ҳолатини сақлаган ҳолда ёғоч конструкциясининг жойини таъмирлаймиз. Масалан, мезморий обидалардаги устунлар вақт ўтиши билан чирийди. Унинг ўрнига янгиси ўрнатилиши керак. Лекин биз янгисини қўйишга шошилмапмиз. Зарар етган нуқтанинг ўзини асл ҳолатдагидек таъмирлапмиз. Хива, Ичанқалъа, Тошқувдаги устунларда минг йиллик бўёқлар бор. Шу бўёқларга шикаст етказмасдан таъмирлашда олмон ҳамкорларимиз кўмак берапти. Бу тарихимизни келгуси авлодга асл ҳолича етказишда жуда қўл келмоқда.

автомобиллар лойиҳалари ҳақида сўз борди. Шунингдек, ҳозирги бозор иқтисодиётида автомобилларни энергия тежайдиган технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришдаги прототиплар ҳақида маълумотлар берилди.

Мазкур лойиҳадан мақсад гибрид қуёшли автомобилларга айлантириш орқали енгил автомашиналарни жуда арзон нархда ишлаб чиқариш ва саноатлаштиришга қаратилган.

Жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган Италия — Ўзбекистон бизнес форуми доирасида Инновацион ривожланиш агентлиги ва “SunMotive” компанияси ўртасида ўзаро аниқлашув меморандуми имзоланган. Ҳамкорликдан асосий мақсад ёниш двигателли транспорт воситаларини гибрид транспорт воситаларига айлантириш ва яшил энергия секторини ривожлантириш. Ушбу лойиҳа орқали ёниш сарфи ва зарарли газ чиқишини камайтириш режалаштирилган.

Аллергия мавсумидан
огоҳлантирувчи тақвим

Ҳамкорлик жараёни жадаллашяпти. Бу кўргазмадан ўрин олган лойиҳалардан ҳам ақс этмоқда. Шундай лойиҳалардан бири — ер ости сув омбори қурилиши ақс этган ишланма кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди.

— Ер ости сув омборлари табиий ҳолатда қурилади, — дейди Ер ости сув омборларини қуриш бўйича Венгрия қўшма лойиҳаси раҳбари Умидхон Ўзбеков. — Мазкур технология Венгрияда анчадан бери қўлланяпти. Уни юртимиз шароитига мослаштирамиз. Бу биздаги тупроқ, геологик, геофизик ҳолат қандайлигини, ер ости сувининг ер юзасига қанчалик яқинлигини аниқлаган ҳолда хавфсиз ораликда сув омбори қуришни билдиради. Бунинг афзаллиги шуки, ер остида жойлашган сув омборидан ер устидаги экотизим зарар қўрмайди ёки йўқолиб кетмайди. Сув буғланишининг олди олинади. Масалан, катта-катта сув омборларида лойқа босиш ҳолати юз беради. Бу табиий жараён мазкур сув омборида камроқ кузатилади. Яна ер юзидagi умумий керакисиз, яъни фермер хўжаликлари, кластер ва бошқа корхоналарнинг истеъмолдан ортиқча сув бошқаруви оптималлаштирилади.

Кўргазмада тиббиётга доир эътиборга молик инновациялар ҳам намойиш этилапти. Шундай ишланмалардан бири аллергия келтирувчи ўсимликлар гул чангини ўрганадиган тақвимдир.

— Ҳаводаги гул чанги миқдори кишида аллергия уйғотиши сир эмас, — дейди Халқаро молекуляр аллергология маркази врач-аллерголог Шайло Айметова. — Аллергия мавсумида олдиндан хабар бериш мақсадига ишлаб чиқилган тақвимда ҳаво таркибидаги чанг миқдори аниқланиб, тегишли маълумот берилди. Молекуляр аллергология диагностика усули орқали битта чипда 300 дан ортиқ аллергенга нисбатан реакция бор ёки йўқлиги кўрсатилади.

Илмий ишланма ва технологик янгиланган жамият ҳаётининг барча жаҳадасини бoғловчи механизмга айланаётган ҳозирги даврда ҳамкорликни кенгайтирмай туриб, жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришиб бўлмайди. Бу борадаги ишлар Глобал инновацион индекс кўрсаткичлари юқорилишига ҳам хизмат қилади. Ҳафталикнинг энг катта ютуғи ҳам шу: турли давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, соҳалар ривожига ҳисса қўиш.

“InnoWeek — 2023” доирасида тақдим этилган инновацион маҳсулотлар, янги лойиҳалар бу борада мукамал тизим йўлга қўйилганини кўрсатиб турибди. Стартапларни тижорийлаштириш учун инвестиция жалб этиш, молиялаштириш, ишланмалар танлаш, халқаро кўргазмалар ташкил этиш каби вазифаларни самарали бажараётган мазкур тизим сабаб шахар марказларидан тортиб, чекка кишлоқларда ҳам инноваторлар сафи кенгайди. Жумладан, хорижий ва маҳаллий корхоналар ҳамда тармоқ вакиллари ўртасида B2B учрашувлар ташкил этилди. Германия, Туркия, Эрон, Жанубий Корея, Россия, Малайзия билан инновацион маҳсулотлар харид қилиш, шунингдек, янги ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича шартнома ҳамда меморандум имзоланди.

**Рисолат МАДИЕВА,
Феруза ЖУРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон”
муҳбирлари**



айланма иқтисодиёт тенденцияларини таҳлил қилиш баробарида ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан келишувларга эришди.

— Айланма иқтисодиёт чиқиндиларни зарарсизлантириш, арзон хомашё орқали катта даромад олиш ва иш ўринлари яратиш имконини беради, — деди БМТнинг Ўзбекистондаги глобал келишувлар бўйича менежери Шохрух Пулатов. — 2022 йилда ЕРС (айланма иқтисодиёт тизими) билан боғлиқ транзакциялардан олинган глобал даромад тахминан 339 миллиард долларни ташкил қилган. 2026 йилга бориб, бу кўрсаткич икки баробардан кўпроқ ўсиши тахмин қилинмоқда. Ўзбекистонда ҳам айланма иқтисодиёт тизимига ўтишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида инновациялардан фойдаланиш саъй-ҳаракатлари сезиларли фаоллашди. Мамлакатда инновацион экотизимда бизнес инкубатор ва акселераторлар каби тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг тизими йўлга қўйилгани катта самара берди.

Чиқиндиларни қайта ишлаш атроф-муҳит токсик, саноат ва тиббиёт чиқиндилари билан ифлосланишнинг олдини олиш баробарида қаттиқ маиший чиқиндиларни зарарсизлантириш масалалари учун ҳам муносиб ечим бўла олади. Иккиламчи хомашёдан хўжалик фаолиятида қайта фойдаланиш натижасида ресурс тежамкорлигига ҳамда товарнинг таннархи арзонлашувига эришилади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси маиший чиқиндиларнинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё саноати ва қурилиш индустрияси объектилари атроф-муҳитни ифлосланти-

лармонларнинг тажриба алмашиши, келишувларга эришишда катта имконият тақдим этадиган платформадир.

Инновацион ишлаб
чиқаришнинг муҳим омили

Табиий ресурслари йўқлигига қарамай, “Осиё мўъжизаси” сифатида эътироф этилаётган ҳамда дунёнинг иқтисодий жиҳатдан етакчи мамлакатларидан бири сифатида қаралаётган Корея Республикаси инсон капиталини ривожлантириш орқали инновацияларга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришяпти. Стартап экотизимини янада ривожлантириш мақсадида Жанубий Корея экспертлари



